

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУН  
ТАРТИБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.  
Холназарова Хафиза Хошимжоновна**

Олмазор тумани

146-сонли ДМТТ тарбиячи

**Аннотация:** Мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган кун тартибининг тўғри режалаштирилиши ва куннинг биринчи ва иккинчи ярмида тарбиячи болаларга тарбия бершида ҳамма ижодий, дидактик ўйинлар, тинч ҳаракатли ўйинлар, кузатиш, қўл меҳнати, болаларнинг мустақил тасвирий фаолиятлар баён этилган

**Калим сулар:** Болалар, тарбиячи, тиббий кўрик, ўйинлар, сайд

**ORGANIZING THE AGENDA IN PRESCHOOL EDUCATION.**

**Kholnazarova Hafiza Khoshimjanovna**

Almazar district

Educator of the State Preschool Education Organization No. 146

**Annotation** Proper planning of the agenda for preschool children and all creative, didactic games, peaceful movement games, observation, manual labor, children's independent visual activities in the upbringing of children in the first and second half of the day are described.

**Keywords:** Children, educator, medical examination, games, travel

**Аннотации** Описано правильное планирование расписания дошкольников и все творческие, дидактические игры, мирные двигательные игры, наблюдение, ручной труд, самостоятельная зрительная деятельность детей в воспитании детей в первой и второй половине дня.

**Ключевые слова:** дети, воспитатель, медосмотр, игры, путешествия.

Мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган кун тартибининг тўғри режалаштирилиши ҳамда ташкил этилиши бола саломатлигининг гарови ҳисобланади. Болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган талаблар. Куннинг биринчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этиш, болаларнинг МТТда 9-10 соат бўлиши кун тартибида белгилаб қўйилган. Бунда эрталабки қабул муҳим роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг МТТдаги вақти қизиқарли, сермазмун ўтишини таъминлайди.

Бунинг учун эрталаб болаларни очиқ чехра билан кутиб олади, ота-оналари билан хушмуомала, хайрихоҳ муносабатда бўлади. Эрталабки қабул вақтида ижодий ўйиннинг ҳамма турлари ташкил этилади, табиат бурчагида кузатиш, болаларнинг гурух хонасидаги, овқат ва машғулотлардаги навбатчиликлари, нонуштадан олдин эрталабки гимнастика ва юваниш ташкил этилади. Нонушта вақтида тарбиячи болаларнинг овқатланиш маданиятини назорат қилиб туради.

Машғулотгача ва машғулот ўртасида ўйинлар ташкил этилади. Қандай ўйин ўтказилиши машғулотнинг мазмuni ва хусусиятига боғлиқ. Болалар ўтириб шуғулланадиган машғулотдан олдин ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия ва мусиқавий машғулотдан олдин тинч ўйинлар ўйнашади. Машғулотдан кейин сайр ўтказилади. Тарбиячи теварак-атрофдаги табиатни, катталар меҳнатини, ижтимоий ҳаёт воқеаларини кузатишни ташкил этади. Ҳаракатли ўйинлар ўтказади, мустақил ўйин ўтказишни таклиф этади. Мана шу вақт ичida болаларнинг мустақил фаолиятлари, меҳнат, дидактик ўйинлар, ижодий ўйин турлари билан шуғуланишлари учун катта эътибор берилади. Мақсадли сайрлар уюштирилади. Спорт ўйинлари ва машқлар, жисмоний дам олиш ва шунга ўхшашлар болаларнинг ҳаракат фаоллигини ўстиришга ҳам катта аҳамият берилади.

Болаларнинг сайрдан қайтишлари, ечиниб юванишлари, тушки овқат ва кундузги уйқу ҳам жуда уюшқоклик билан ўтиши керак.

Куннинг иккинчи ярмида тарбиячи болаларни уйғотиб, фаолиятга киришларини таъминлайди ва кечки нонушта ташкил этилади. Кейин мусиқавий ёки жисмоний тарбия машғулоти ўтказилиши мумкин. Кечки сайрга қуидагилар киради: ҳамма ижодий, дидактик ўйинлар, тинч ҳаракатли ўйинлар, кузатиш, қўл меҳнати, болаларнинг мустақил тасвирий фаолияти, қўнгил очишлиар (ҳафтада бир марта). Куннинг биринчи ва иккинчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаб ҳар бир боланинг мазмунли ва қизиқарли фаолият билан шуғулланишини, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва баҳтли болалигикни таъминлашdir.

Шундай қилиб, кун давомида болалар ҳаётини ташкил этишга қуидаги талаблар қўйилади:

1. Болаларнинг ҳамма фаолият турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.
2. Ҳар бир ёш грухда фаолият турларини алмаштириб бориш
3. Болаларнинг ҳаракат фаоллигини етарлича таъминлаш.
4. Машғулот, ўйин, меҳнат, майший фаолият ўртасида алоқа ўрнатиш.
5. Болаларнинг олган билим, малака, кўникмаларини мустақил фаолиятларида қўллай олишга ўргатиш.
6. Болани фаол бўлишга, ҳар доим бирон нарса билан машғул бўлишга ўргатиш.
7. Ҳар бир болани ижобий хоҳиш ва қизиқишлиарини диққат билан кузатиб бориш ва унинг янада ривожланиши учун шарт-шароит яратиш.
8. Болаларнинг бутун фаолиятига тарбиячининг раҳбарлиги.
9. Кун тартибига қатъий риоя қилиш.

МТТларда қулай шароитлар яратилган тақдирдагина болалар турмуш фаолиятида ҳар томонлама камол топиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

Болаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этишни анализ қилишнинг таҳминий схемаси қуидагича бўлиши мумкин:

1. Кузатиш объекти (үйқу, овқатланиш, ювиниш, ечиниш, чиниктириш, кундалик режимга риоя қилиш ва хоказо).

2. Ҳаётий фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар (моддий муҳит, талабларнинг бирлиги ва ҳоказолар).

Тарбиячи ҳар куни эрталабки соатда болаларни бирламчи тиббий қўрик асосида қабул қиласди (бу кундалик режада ёзилмай, алоҳида дафтарда қайд этилади), ота-оналар билан сухбат олиб боради, бадантарбия машқларини ўтказади (ҳар ойда 2 комплекс бадантарбия машғулотлари ёзилади). Кундалик фаолият баёни (режа)да эрталабки соатда тарбиячи болалар билан белгиланган мавзу юзасидан сухбат уюштириши қўрсатилади.

Асосий ўрин болаларнинг ўйин фаолияти учун ажратилади. Ижодий ўйинлар, таълимий ўйинлар, тинч ўйинлар (мозаика, лего, домино, лото, пазл, куриш-ясаш)ни ташкил этиш режалаштирилади.

Болаларнинг мустақил фаолияти мазмуни режада тўлиқ очиб берилмайди, у боланинг қизиқиши ва кайфиятига боғлиқ. Ҳар бир бола эркин ҳолда ўзи истаган фаоллик марказини танлаши ва у ерда ишлаши мумкин, тарбиячи болаларни кузатади ва зарур ҳолларда ёрдам қўрсатади.

Меҳнатда кундалик навбатчиликдан ташқари меҳнатсеварликни тарбиялашнинг тўрт хил вазифаси (ўз-ўзига хизмат, майший меҳнат, табиатдаги меҳнат, қўл меҳнати)дан бири режалаштирилади.

Болалар билан якка тартибда ишлаш машғулотда ўзлаштиrolмай қолган болалар билан ишлаш демакдир. Болалар билан якка ишлаш учун тарбиячилар таълимий ўйинлар, амалий машқлар тўпламларини тайёрлашлари керак. Бу материалларга асосланиб, болалар билан якка ишлаш яхши самара беради.

Режада қайси болалар билан, қандай мавзуларда якка тартибда ишлаш аниқ қўрсатилади.

Ҳар қандай тарбиячи эрталаб ишга келганида болаларнинг уйларига таассуротлари, ютуқлари ва ҳиссиётлари, дилдаги гапларини кимгадир айтиш истаклари тўлиб-тошиб бораётганлигини сезадилар.

Кўп ҳолларда болалар ушбу янгиликларни тарбиячиларига юрган йўлларида гапириб берадилар. Бу ҳолатни беътиборга олиб, эрталабки давра сухбатларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга деб ўйлаймиз. Режада сухбатларнинг мавзулари аниқ кўрсатилиши ва маънавиятга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мактабгача таълим тизими니 тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.
2. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.
3. “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.